СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИ ТАНТАНАСИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 18 март 1969 йил, сешанба ● № 65 (14.228). ● Баҳоси 2 тийин.

УТГАН КУНИ МАМЛАКАТИМИЗДА, ШУНИНГДЕК РЕСПУБЛИКАМИЗ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАР ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ БИРЛИГИ, СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ КАТТА БАЙРАМИГА АЙЛАНДИ.

Маҳаллий Советларга сайловлар кунини «Средазгипрогаз» институтининг илмий ходими Икром Еқубовлар оиласи ҳам шод-ҳуррамлик билан қарши олди. Суратда: И. Еқубовлар оиласи Киров районидаги 6-сайлов участкасида халқ номзодлари учун хушнудлик билан овоз беришмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

СССР ЧЕГАРАЛАРИ МУҚАДДАС ВА ДАХЛСИЗ!

ПРАВДА

Хитой маъмурларининг Совет — Хитой чегарасидаги ҳаобий қуролли игвогарликлари бутун халқимизнинг чуқур ҳаҳр-ғазабини қўзғатди. Мамлакатимизга қарши авантюристик ҳаракатлар қилаётган Мао Цзэ-дун группасига совет кишилари лаънатлар айтмоқдалар.

Маълумки, Пекиндан берилган кўрсатмага мувофиқ 2 мартда Уссури дарёсидаги Даманский ороли районида совет чегарачиларига олдиндан планлаштириб қўйилган босқинчиларча ҳужум қилинди. Шонли чегарачиларимиз чегарани бузган хитойларни ўзларининг дадил ва мардонавор ҳаракатлари билан совет еридан ҳайдаб чиқардилар. СССР ҳукумати Хитой Халқ Республикаси ҳукуматидан Совет—Хитой чегарасини ҳар қандай бузишга йўл қўймайдиган чораларни нечинтирмай кўришни талаб қилди.

Хитой ҳукумати қилинган оғоҳлантиришлардан тегишли хулосаларни чиқариб олмади ва жанжаллар чиқаришни давом эттирмоқда. 14 мартда қуролланган бир группа Хитой солдатлари Совет территориясига — Даманский ороғлига бостириб киришга яна уриниб кўрдилар. 15 мартда Хитой солдатларининг қуролланган катта отряди оролни босиб олишга уриниб, уни қўриклаб турган совет чегарачиларига ҳужум қилди, соҳилдаги тўп, замбараклар ва миномётлар ўт очиб, бу ҳужумга мадад бериб турди. Игвогарлар бу сафар ҳам қилмишларига яраша чазо олдилар — қатъий чоралар кўрилганлиги натижасида улар оролдан улоқтириб ташланди.

Совет—Хитой чегарасида қуролли игвогарликлар қилиш ва босқинчилик ҳаракатлари билан бирга Мао Цзэ-дун группаси Советларга қарши васвасани эўр бериб қучайтирмоқда. Хитойнинг расмий органлари Совет — Хитой давлатлараро муносабатларини янада кескинлаштирмоқ учун негиз вужудга келтиришга уриниб, бутунлай асоссиз ва ўз моҳияти билан тажовузкорликдан иборат бўлган территориал даъволарни кўтариб чиқмоқдалар.

Совет халқи маочиларчинг бизнинг еримизга қабиҳлик билан қилаётган ҳамларини кескин равишда рад этаётир. Даманский ороли — Совет территориясининг ажралмас қисми. Уни «ҳеч шубҳасиз Хитойники» деб эълон қилишга кучаниб уринаётган Хитой маъмурларининг талаби даъволарга келганда бу даъволар Хитойдаги ва бошқа мамлакатлардаги афкор оммани лақиллатиш учун қилинаётган уринишлардан бошқа нарса эмас. Буларнинг ҳаммаси беҳуда уринишдир. Жаҳоннинг прогрессив жамоатчилиги маочи маъмурларнинг агрессив интилишлари ва ҳаракатларини қораламоқда.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг чегаралари муқаддас ва дахлсиз. Совет ҳукуматининг 15 мартдаги баёнотида кўрсатиб ўтилдики, «СССРнинг қонуний ҳуқуқлари поймол этиладиган бўлса, Совет территориясининг дахлсизлигини бузиш учун бундан бўён уриниб кўрилади, ган бўлса, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, унинг барча халқлари бу территорияни эўр қатъият билан мудофаа қиладилар ва совет территориясининг шу хилда бузиб ўтилишига қаршатқич зарба берадилар».

Ватаннинг муқаддас чегараларини ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисида Ленининг кўрсатмаларига содиқ бўлиб келаётган Коммунистик партиямиз, Совет ҳукумати, бутун халқимиз душманларнинг мамлакатимиз чегараларидаги игвогарликларига қанчалик кескин зарба бериб келдилар. В. И. Ленин ташаббуси билан тузилган, партия тарбиялаган ва душманлар билан бўлган жуда кўп тўқнашувларда чиниққан совет чегара қўшинлари давлат чегараларини қўриқлашдан иборат масъулиятли вазифаларни муваффақиятли зажариб келмоқдалар. Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти билан бирга коммунизм қурувчиларнинг тинч меҳнатини муҳофаза қилиб турибдилар.

Шу кунларда бизнинг чегарачиларимиз маочиларнинг қабиҳ хуружларини даф қилиб, ўзларининг буюк жасорат, шижоат ва қаҳрамонликларини, ҳарбий бурчга бўлган садоқатларини ,социалистик Ватанга фидоронона хизмат қилиш намунасини яна кўрсатдилар. Жонажон юртимизни ҳимоя қилмоқ учун жонини аямаётган ўзининг шонли фарзандлари билан халқимиз қаҳли равишда фахрланади.

Шаҳар ва қишлоқларда, саноат корхоналарида ,колхоз ва совхозларда, фан ва маданият муассасаларида, ҳарбий қисмларда ўтказилаётган кўп кишилик митинглар ва йиғилишларда совет кишилари Мао ва унинг гумашталари ташкил этаётган қабиҳ ёвузликларни ғазаблачиб қораламоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг СССР давлат чегараларини мудофаа қилиш борасида кўраётган чора-тадбирларини халқимиз яқдиллик билан маъқуллямоқда. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлиларимиз Коммунистик партия ва Совет давлатининг тинчлик ва социализм манфаатларига мос бўлиб тушаётган ички ва ташқи сиёсатини тўла равишда қўллаб-қувватламоқда. Кеча маҳаллий Советларга ўтказилган сайлов буни яна бир марта жуда яқол намойиш қилди. Бу сайлов ҳамма жойда яқдиллик ва юксак даражадаги сиёсий кўтаринкилик вазиятида ўтди.

Даманский ороли районидаги игвогарликларни маочилар Хитойда миллатчилик эҳтиросларини авж олдирмоқ учун, Хитой Халқ Республикаси халқи билан СССР халқини бир-биридан бегоналаштириш вазиятини вужудга келтирмоқ учун атайин ташкил этаётганлигини совет кишилари билиб турибдилар. Бу авантюристик ҳаракатлар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатлар учун бутун жавобгарлик тамомила Хитой маъмурлари зиммасига тушади.

Уз-ўзидан маълумки, бизнинг халқимиз Маонинг шовинистик, авантюристик тўдаси билан Хитой халқи ўртасига тенглик аломати қўйган эмас ва қўймайди. Кейинги воқеалар Мао Цзэ-дун группаси ўзининг буюк давлатчилик, гегемончилик мақсадларини рўёбга чиқармоқ учун ўз халқининг туб манфаатларини, унинг социалистик ғалабаларини, Совет Иттифоқи халқлари билан Хитой халқларининг дўстлиги манфаатларини, инсониятнинг революцион—прогрессив кучлари манфаатларини қурбон қилишга тайёр — эканлигини кўрсатиб турибди. Бу эса социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қудратини, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва жипслигини, антиимпериалистик, миллий озодлик кураши фронтини қар қандай қилиб бўлса ҳам емиришга ва заифлантиришга уринаётган империалистик реакциягагина қўл келади. Вьетнамнинг қаҳрамон халқи Америка империализмининг агрессиясини Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг мададига таяниб, мардлароча даф қилиб турган бир пайтда Мао группаси мамлакатимиз чегаралари-да қуролли игвогарликларни ташкил этмоқда. Мао ва гумашталарининг сиёсати хоинлик, хиёнаткорлик сиёсатидир. Бу сиёсатнинг барбод бўлиши муқаррар.

Агрессив авантюраларининг ишқибозлари шуни унутмасинларки, совет чегараларининг қуфи ҳамиша маҳкам бўлган, ҳозир ҳам шундай ва бундан бўён ҳам маҳкам бўлиб қолаверади! Бу чегаларни бузиш учун қилинган ҳар қандай уринишга ҳар доим қатъий зарба берилиб келди ва қатъий зарба берилади. Буюк совет халқининг қатъий иродаси мана шу.

(17 мартдаги бош мақола).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БУ ЙИЛ 62 МИНГ ТОННА ШОЛИ ЕТИШТИРАДИ

НУКУС, 16 март. (ТАСС). Автоном Республикада кўклам дала ишларини муваффақиятли ўтказиш ва шоли етиштиришни янада кўпайтиришга доир масалаларни қараб чиқиш мақсадида кенгаш ўтказилди. Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йилида 62 минг тонна шоли етиштириш мажбуриятини олдилар.

Кенгашда, шунингдек, сув тошқинига қарши кураш тадбирлари муҳокама қилинди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари Е. С. Насриддинова, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М Матчонов, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский қатнашдилар.

СИРДАРЁ ОВОЗИ

РЕПОРТАЖ

ГУЛИСТОН. 16 март («Совет Узбекистони» махсус мухбиридан).

Субҳидамдан бошланган байрам нафаси Гулистон шаҳридаги Куйбишев номли ўрта мактабга ҳам етиб келди. Бу ерда 1-Маданият сайлов участкаси жойлашган. Мактаб биноси қизил алвонлардан чўғдай гулдаста тутган. Мактаб ҳовлисида сайловчиларнинг биринчи кўри кўринади. Сайлов қутиси ёнига биринчи бўлиб Гулистон шаҳар медицина бўлим юртининг 2-курс студентканси Дилором Алимова келади. Чеҳрасида шодлик ва ҳаяжон балқкан.

— Ўн саккизинчи баҳор мен учун сира унутилмас. — дейди у бюллетень қоғозларини сайлов қутисига ташлар экан. — илк бор сайловларда қатнашаётганим билан фахрланаман.

Маҳалларинг онахони, шаҳарнинг энг кекса граждани Тансик буви Ҳакимованинг айтган икки оғиз сўзи шу бўлди:

— Бу бахтли замонда ҳамма бизнинг ёшимизга етсин!

— Сайлов участкасининг раиси Алижон Шербоев соат кундузги ўн бирдаёқ 1322 сайловчининг ҳаммаси овоз бериб бўлганлигини билдирди. Гулистон шаҳрининг бошқа сайлов участкаларида ҳам маҳаллий Советларга сайловлар зўр кўтаринки руҳ билан ўтди. Гулистонликлар область ва шаҳар Совети депутатлигига кўрсатилган халқнинг эсл фарзандлари Иброҳим Қўчқоров. Мамарайим Тошбоев. Ашраф Эшонхўжаев. Мўътабар Умаркулова. Соҳибой Холиқов ва бошқа номзодлар учун яқдиллик билан овоз бердилар.

●

Шунингдек, Сирдарё областининг барча район ва шаҳарларида — Жиззах, Зомин, Фориш, Паҳтаорол, Еттисой, Киров, Сирдарё ва Янгиерда ҳам сайловчилар халқ номзодлари учун ҳамжиҳатлик билан овоз бердилар. Субҳидамда Сирдарё бўйларида бошланган байрам тантаналари халқ сайилига айланиб, кўчаларда, кинотеатр ва боғу хиёбонларда давом этди.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ.

МЕҲНАТКАШЛАР БИРДАМЛИГИ

Кўҳна воҳада баҳорнинг илиқ кунлари ёғингарчилик билан бошланди. Лекин 16 март куни табиат мусаффо эди. Ҳамма хурсанд. Кишилар сиймосида байрам нафаси балқиб турибди.

Бухоронинг нақшбанд гумбазларида қуёш акси товланади. Кўчалар, майдонлар одамлар билан гавжум. Ҳамма ерда музика садолари,.. Биринчи бор сайлов қутилари ёнига борган ёш совет граждани ларининг қувончи айниксе беҳад. Пионерлар саройи, пилла-кашлик фабрикаси клуби, пахта тозалаш заводи, «ВЛКСМ 20 йиллиги» фабрикаси клублари ва жамоат биноларида жойлашган сайлов участкаларида овоз бериш эрта тонгданоқ яқдил бошланди. Бу жойларда меҳнаткашлар бюллетенларни олар экан лар, ўзлари маҳаллий Совет ҳокимиятининг маҳаллий органлари депутатлигига номзод қилиб кўрсатган энг яхши фарзандлари учун овоз бердилар.

Пилла-кашлик фабрикасидаги сайлов участкасида Бухоро шаҳар Советига илгор ҳайдовчи Шаҳоб Хўжаев депутат этиб сайланди. Самарқанд сайлов округидан эса қурилиш трестининг бошлиғи Владимир Железнов, Москва сайлов округидан вино заводининг масъул ишчиси Б. Рахматов маҳаллий Советларнинг депутати этиб сайландилар.

Областнинг Ғиждувон, Ромитан, Навсин, Когон, Қоракўл шаҳар ва районларида ҳам сайловлар халқ бирлигининг эўр намойишига айланди. Меҳнаткашлар сайлов қутилари олдиларига бориб, ўз номзодлари учун овоз бериш билан бирга партия ва совет давлатининг ички ва ташқи доно сиёсатининг тантаси учун, Совет Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, халқ фаровонлигининг ўсиши учун овоз бердилар.

Шундай қилиб дастлабки олинган маълумотларга қараганда сайлов куни Бухоро область Советига 214 депутат, шу жумладан 87 қотин-қиз, шаҳар, район, /поселка, қишлоқ Советларига эса 7421 депутат сайланди. Улар халқ ишончига, Ватан ва партия ишончига сазовор бўлган Ватанимизнинг ажойиб ўғил ва қизларидирлар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Расмий хабарлар

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВЕНГРИЯ ПОЙТАХТИГА КЕЛДИ

БУДАПЕШТ, 16 март. ТАСС махсус мухбири хабар беради. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг ишида қатнашувчи Совет делегацияси бугун Будапештга келди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев (делегация бошлиғи), СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. В. Русаковлар бор.

Будапештдаги Нюгати вокзалида Совет делегациясини Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Революцион Ишчи-деҳқон ҳукуматининг Раиси Ене Фок, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Золтан Комочин, Венгрия Халқ Республикаси мудофаа министри, генерал-полковник Лайош Цинега кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги элчихонаси дипломатик ходимлари ҳам бор эди.

Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Бела Биску ва СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги элчиси Ф. Е. Титов Совет делегациясини чегарадан Будапештгача кузатиб борди.

* * *

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Куролли Кучларининг Бош қўмондони, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Куролли Кучлари штабининг бошлиғи, армия генерали С. М. Штеменко ҳам шу поездда Будапештга келишди.

ХАЛҚ НАФРАТИ

МЕҲНАТКАШЛАР ҒАЗАБИ

Термиз пахта тозалаш заводида бўлиб ўтган кўпкишилик митингда ускуналарни созловчи мастер А. Ҳасанов сўзга чиқиб бундай деди:

— Биз жонажон Ватанимиз сарҳадларини кўз-қорачиғидай кўриклаб, хитойлик босқинчи игвогарларга қақшатқич зарба берган чегарачиларимизнинг сабот-матонати билан фахрланамиз. Биз ҳаммоқона сиёсатни никоб қилиб олган бир группа хитойлик игвогарларга бундан кейин ҳам муқаддас тупроғимизга оёқ босишга йўл қўймаймиз.

Область колхоз-совхозларидаги, саноат, транспорт ва қурилиш ташкилотларидаги кўп кишилик митингларда сўзга чиққан нотиқлар хитойлик игвогарларнинг шармандали можаросидан дарғазаб бўлиб, Мао Цзэ-дуннинг аҳмоқона сиёсатини қаттиқ қораламоқдалар. Улар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва жонажон ҳукуматимиз сиёсатини яқдиллик билан қизғин қувватлаган қарорлар қабул қилмоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ.

Чек қўйилсин

Хитой маъмурларининг ҳаракатлари барча совет кишилари каби Андижон область меҳнаткашларини ҳам ғазаблантирмоқда. Шу муносабат билан областнинг қишлоқларида кўп минг кишилик митинглар бўлиб ўтмоқда. Бу митингларда кишилар хитойлик игвогарларнинг мамлакатимиз чегарасига бостириб кирганликларини қаттиқ қораламоқдалар.

Андижондаги Володарский номли тикувчилик фабрикасида бўлиб ўтган митингда 6-цех бошлиғи Ф. Эшназарова қуйидагиларни айтди.

— Биз фабрика ишчилари Хитой маъмурларининг бузғунчилик ҳаракатларини эшитиб қаттиқ ғазабландик. Бу шармандаларча сурбетлик маочилар сиёсатининг тобора тубанлашиб бораётганлигидан дарак беради. Хитойлик игвогарлар билиб қўйсинларки, Ватанимизнинг мукаддас тупроғига кимдаким қурол кўтариб келса, гитлерчиларни қандай қақшатган бўлсак, уларни ҳам ана шундай зарбага учратамиз.

— Биз Совет ҳукуматининг Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига юборган баёнотини тўла маъқуллаймиз. — деди Москва район гигиена-санитария бирлашмасининг врачи О. Аҳмедов. — биз игвогарларнинг жазоланишини талаб киламиз. Шу билан бирга давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини ошириш учун ҳормай-толмай меҳнат киламиз.

Бундай норозилик митинглари Андижон областининг Балиқчи, Ленин, Хўжаобод, Андижон, Қўрғонтепа районларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

А. ҚУРОНБОЕВ.

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

Хитой авантюристларининг Совет—Хитой чегарасидаги игвогарлик ҳаракатлари Тошкент шаҳрининг меҳнаткашларини қаттиқ ғазаблантирди. Ана шу ғазабнинг ифодаси ўлароқ Паҳта тозалаш саноати марказий илмий тадқиқот институтида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди.

— Биз,—деди митингда сўзга чиққан экономика лабораториясининг бош мутахассиси В. Белицкий,— Хитой солдатларининг Ватанимиз чегараларини сурбетларча бузиб ўтганлигига қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирамиз. Митингда сўзга чиққан луб лабораториясининг катта инженери Е Максимова ва бошқа ўртоқлар ҳам Мао Цзэ-дун тўдасининг бемаъни ҳаракатларини қатъий қораладилар. Совет халқи, деди нотиқлар, доимо тинчликни истайди. Совет халқи билан Хитой халқи ўртасида доимо дўстларча муносабат бўлишининг тарафдоримиз. Биз тинчлик истаймиз!

Институт илмий ходимлари игвогарликка қарши қабул қилган резолюцияда Совет ҳукуматининг ХХР ҳукуматига юборган нотасини қизғин маъқулладилар.

Қ. ЭОКИРОВ,
институт катта техники.

ИГВОГАРЛАРГА ЛАЪНАТ

Биз Хитой игвогарларининг Совет чегараларига яна босқинчиларча ҳужум қилганлигини эшитиб беҳад ғазабландик. Мао Цзэ-дун бошлиқ группанинг янги игвоси бизларнигина эмас, бутун тараққийпарвар инсониятнинг қаҳрини келтирди. Унинг бу ҳаракати мағлубиятга, ўлимга маҳкумдир.

Биз Ватанимиз ҳарбий қудратини мустаҳкамлашни муқаддас бурчимиз деб биламиз. Колхозимиз аъзолари бу йил пахта ҳосилдорлигини ўтган йилдагига қараганда 3 центнердан оширишга, давлатга кўплаб ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириб беришга аҳд қилган эканлар, бу жонажон Советлар диёримизнинг қудратини, унинг ҳарбий салоҳиятини оширишга қўшган ҳиссалари бўлади, деб биладилар.

Ватанимиз чегаралари муқаддасдир. Биз ўз қадрдон, азиз тупроғимизни ҳаммавақт ҳар қандай душманлардан сақлаб келган эканмиз, ҳитой сотқинларининг бу игвогарлиги ҳам совет кишиларининг қақшатқич зарбаларига учрайди. Биз Коммунистик партия ва жонажон ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсати халқларнинг туб манфаатларини ифода этувчи сиёсат деб биламиз. Мана шу сиёсатни қўллаб-қувватлар эканмиз, Ватанимиз модий бойликларини янада кўпайтириш учун бутун кучимизни, ҳаммаимкониятларимизни сафарбар этавермиз.

Рахима ИСЛОМОВА,
Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхоз ранси. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

МОНОЛИТ БИРЛИК

ТИНЧЛИК УЧУН

Амударё бўйлари байрам либосига бурканди. Хорезмнинг шаҳар ва қишлоқларида маҳаллий Советларга сайловлар умумхалқ шодиёнасига, партия ва халқнинг бузилмас бирлиги намойишига айланди. Машъал Янгиариқ районининг «Хоразм» колхози аъзолари баҳор тонг отарини сайлов участкасида кутиб олдилар. Ветеран колхозчи, Охунбобоев қишлоқ советининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дурхоним Раҳимова биринчи бўлиб бюллетенларни олди.

Сайловни 101 ёшида кутиб олган пенсионер Момажон она Бекжонова тинчлик душманларига нафрат туйғуларини изҳор этди. Оламда осойишталик ва фаровонлик турмуш барқарор бўлиши учун овоз беражагини айтди. Ўзбекистон ССР халқ артисти урганчлик Каримжон Раҳимов, республикада хизмат кўрсатган механизатор хазорасплик Ҳалима Ҳошимова, гурланлик шоликор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Пан Николай ва бошқа кўпгина сайловчилар Коммунистик партияга, Совет ҳукуматининг доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин мақуллаб, барча меҳнаткашларнинг фикр ва иродасини ифодаладилар.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПОЙТАХТ ЯКДИЛЛИГИ

Республикамизнинг ҳамма жойида бўлгани каби пойтахтимиз Тошкентда ҳам сайлов тонги кўчалар, сайлов участкалари ўз гражданлик бурчини адо этишга жазм қилган совет кишилари билан гавжум бўлди.

Октябрь районидаги 45-сайлов участкасида овоз бериш жуда барвақт бошланиб эрта тугади. Бунга сабаб шуки Аҳмаджон Содиқов раис бўлган мазкур сайлов участкаси коллективи, айниқса ишчан агитаторлардан Ж. Раҳмонбердиев, Қ. Холиқов, Р. Орифжонов, С. Низомиддинов ва бошқалар сайлов олди оммавий-сиёсий ишларини юқори савияда олиб боришди.

Д. М. Нек раис бўлган 15-сайлов участкаси коллективи ҳам сайловларни ўтказишда зўр маҳорат ва уюшқоқлик намунасини кўрсатдилар. Шунисси қувончлики, мазкур сайлов участкаларида овоз бериш жуда активлик билан ўтди. Сайловчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишда 48, 126-магазинларнинг ходимлари алоҳида намуна кўрсатишди. Шунингдек, ҳаваскорлар сайловчилар учун мароқли концертлар қўйиб беришди.

●

Куйбишев район меҳнаткашлари маҳаллий Советларга сайловларни зўр уюшқоқлик билан кутиб олдилар. Улар номзоди қўйилган кишиларга овоз бериш билан ўзларининг партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатидан тўла мамнун эканликларини, уни қўллаб-қувватлашга, ҳамиша тайёр турганликларини намойиш қилдилар.

Новомосковский — пойтахтнинг кейинги йилларда барпо этилган энг обод массивларидан бири.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар ва Куйбишев район Советларига депутатлар сайлаш бўйича ташкил этилган 10-сайлов участкаси шу ердаги 54-мактаб биносига жойлашган.

Соат роса олти. Участка сайлов комиссиясининг раиси — экскаватор заводининг хизматчиси С. Чурсин сайловчиларнинг умумхалқ байрами — маҳаллий Советларга сайлов куни билан табриклайди. Сайловчилар Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган экскаватор заводининг ишчиси Н. В. Филиппов ва Куйбишев район Совети депутатлигига ишонч билдирилган Турсуной Назаралиевага якдиллик билан овоз бердилар.

Сайловчилар кунининг биринчи ярмидаёқ ўзлари кўрсатган муносиб номзодларга бўлган юксак ишончларини билдириб бўлдилар.

●

Ҳамза районидаги Тошкентда кейинги йилларда ташкил этилган обод районлардандир. Сайлов тонгида биз шу районнинг 21-сайлов участкасида бўлдик. Район меҳнаткашлари 230-ўрта мактаб биносига жойлашган бу участкага зўр шодиёналик билан келдилар. Сайловчилар янги район олдида турган катта вазифаларни бажаришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга қодир турли касб эгаларини шаҳар ва район Советларига якдиллик билан сайладилар.

— Биз аввалги сайловларни ҳам кўрганмиз, — дейди 85 ёшли Уймат ота Каримов биринчи бўлиб овоз бераётган экан. — Ўз вақтида камбағал меҳнаткашларнинг сайлашга ҳам, сайланишга ҳам ҳаққи йўқ эди. Партия ва ҳукуматимизнинг раҳбарлигида барча меҳнаткашлар тенг ҳуқуқли бўлди. Энди барча Совет кишилари овоз бериш ҳуқуқига эга.

Депутатларимиз ҳам ўзимизга ёнлаган энг яхши ўғил-қизларимиздир. Мен кўпчилик қатори уларни сидқидилдан халқ хизматига сайлайман ҳамда уларнинг ишларини ҳимоя қиламан.

Меҳнаткашлар шаҳар Совети депутатлигига 476-сайлов округидан 2-темир-бетон заводининг крановщиги Т. Серепованинг, 477-сайлов округидан 60-мактаб ўқитувчиси А. Суликовскаянинг ҳамда район Советига депутатликка номзодлари кўрсатилган бошқа илғор ишчи ва хизматчиларни бирдамлик билан сайладилар. Соат 11 даёқ 4100 сайловчи ўзининг гражданлик бурчини қувонч билан адо этиб бўлди.

●

Эрта тонг. Чилонзор районидаги Алишер Навоий номидаги Маданият уйига жойлашган 19-сайлов участкаси. Карнай-сурнайларнинг садолари авжида. Хаммаёқ шинам қилиб безатилган. Кишилар оқими сайлов участкаси томон келмоқда.

Соат 6. Участка комиссияси раиси Е. М. Ерофеев сайловчиларни улуг айём билан табриклаб уларни ўзларининг номзодлари учун овоз беришга таклиф этади. Сайлов қутиси ёнига биринчи бўлиб кекса коммунист, шахсий пенсионер Мирзахмат Бадалов келади.

— Биз бахтли замонда яшаяпмиз, — дейди у. — Бахтиёр Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун овоз берамиз.

Биринчи марта овоз бераётган Октябрь районидаги тикув фабрикасининг ишчиси, политехника институтининг кечки бўлими студенти Малохат Кенжаева ўз бурчини бажаради.

Шаҳар ва район Советлари депутатлигига сайлангандлар орасида турли касб эгалари бор.

●

Шаҳримиз дилрабо куй билан уйғонди. Киров районидаги 37-мактабга жойлашган 31-сайлов участкаси эрта тонгдаёқ сайловчилар билан гавжум бўлди. Мактаб зўр дид билан безатилган.

Биринчи бўлиб овоз берганлардан 75 ёшлик отахонларимиз. Туркистонда Совет ҳокимлигини ўрнатишда фаол иштирок этган, жамоатчи пенсионерлар Тўхтасин ота Холиқназаров ва Қори ота Додаевлардир. Тўхтасин ота овоз берган шундай деди:

— Мен ўз овозимни Ватанимизнинг, халқимизнинг ишончини шон-шараф билан оқлаб келаётган меҳнаткаш ўғил ва қизларимга бераман.

Бу сайлов участкасида қурувчилардан А. Жуланова, Г. Зиновьев ҳамда Л. Кузнецовалар сайлов қутилари ёнига келарканлар, тинчлик учун, дўстлик учун овоз берамиз дедилар.

Соат эрталаб 11ларда сайловчилар гомонидан саноқли вакиллар қолган эди.

●

Соат 6. Врачлар малакасини ошириш институтига жойлашган 13-сайлов участкасининг раиси медицина фанлари кандидати Ҳ. Ҳусанов республика меҳнаткашларининг байрами — сайловлар куни билан сайловчиларни табриклайди ва уларни бюллетенларни олиб, қутилар ёнига келишга таклиф этади.

Абдулла ота Ҳайитбоев. Бу сайловчини пойтахтнинг Куйбишев районида ким танимайди дейсиз. Суяги меҳнатда қотган, бутун онгли ҳаётини моддий бойликлар мўл-кўллиги яратишга бахш этган отахон сайлов қутиси ёнига келиб бундай деди:

— Мен бугун шаҳар ва район Совети депутатларининг номзоди учун овоз бераман. Улар халқимизнинг асл фарзандлари. Қўлимда бюллетень турибди. Унда шаҳар Совети депутатлигига номзод, пахта тозалаш саноати бўйича махсус давлат конструкторлик бюросининг ходимлари Азиз Пардиев, Алексей Можев ва Куйбишев район Совети депутатлигига номзод Лидия Некрасова ва бошқаларнинг номи ёзилган. Бундай фидокор одамлар учун қувона-қувона овоз бераман.

Сайлов қутиси ёнига Инобатхон Бойметова келади. У барча сайловчиларнинг фикрини ифодалаб бундай деди:

— Мен маҳаллий Советларга ўтказилаётган сайловларда биринчи марта қатнашяпман. Гражданлик бурчимни шараф билан ўтаётганимдан мамнунман. Мен бутун дунёда барқарор тинчлик бўлиши, она-Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун овоз бераман. Яшасин жаҳонда тинчлик!

Сайлов участкаси бўйича рўйхатга олинган 2700 сайловчининг ҳаммаси кундуз соат бирдаёқ овоз бериб бўлди.

●

Бугун юнусободликлар қишлоқ бўйлаб гаралган қувноқ музика садоларидан уйғонишди. Кўп ўтмай сайлов участкаси томон Оқота. Партизан ва унган нари жойлардан сайловчилар кела бошлади.

Колхоз клуби сайловчилар билан гавжум бўлгач, қисқача митинг бўлди. Янгилишин 4-сайлов участкасининг раиси Султон Ғиёсов очди. Қишлоқ қексаларидан О. Обидов, С. Каримхўжаев, М. Солихўжаева, Т. Комоловалар овоз берар эканлар доимо тинчлик, омонлик бўлишига истак билдиришди.

Биринчи маротаба овоз бераётганлар М. Ҳакимова, С. Толипова, О. Маҳмуджоновларнинг ҳам тилаги шундай.

Соат нили саккизга яқинлашганда 1517 сайловчининг мингга яқини овоз бериб бўлди.

Соат тўққиз ларга борганда келувчилар сийраклашиб қолишди. Шундан сўнг қишлоқ ёш-ялангларга ўйин-кулги бошлашди. Шоду-қуррамлик эл сайлига айланиб кетди.

Юнусободликлар якдиллик билан область Советига Б. Исмоилова, район Советига Х. Ҳожиакбарова, М. Ҳакимова, И. Муниров ва Қ. Пўлатовларни депутат қилиб сайлашди.

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ЭЛ ШОДЛИГИ

16 март — якшанба куни бўлиб ўтган маҳаллий Советларга сайловлар Қашқадарё областининг ҳамма ерида шод-хуррамлик, катта тантаналар билан ўтди. Эрта тонгдаёқ меҳнаткашлар сайлов участкалари томон оқдилар. Барча сайлов участкалари байрамлардагидек безатилган.

Қарши чўлини гулистонга айлантириш учун меҳнат қилаётган чўлқуварларнинг Таллимаржон ва Дўстлик поселкаларида ҳам маҳаллий Советларга бўлган сайловлар зўр қўтаринкилик билан ўтди. Биринчи марта сайловга қатнашган Таллимаржондаги 8-қурилиш-монтаж бошқармасининг сувоқчиси Мария Иванова, таниклн қурувчи Исмоил Маллаев, Виктор Питинцов, шофёр Георг Кочян ва бошқалар овоз берарканлар, Қарши чўлини коммунизм учун хизмат қилдиришда ўз куч ва ғайратларини аямасликларини изҳор этдилар. Областнинг тоғли қишлоқларида ташкил этилган сайлов участкалари билан телефон ёрдамида алоқа қилиб турилди. Транспорт боролмайдиган жойларга вертолётлар мунтазам учиб турди.

Шахрисабз, Қарши шаҳарларида, Чироқчи, Яккабоғ, Қамашн, Қаршн ва янгидан ташкил этилган Китоб районларининг меҳнаткашлари халқ вакиллари учун якдиллик билан овоз бердилар. Сайловчиларнинг асосий қисми кундуз соат 12 гача овоз бериб бўлди.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БИРДАМЛИК БИЛАН

НУКУС, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоғистон Автоном республикаси пойтахти Нукус шаҳри байрам либосида. Сайловчилар ўзларининг энг яхши номзодлари учун овоз бериш келмоқдалар. 11-сайлов участкаси Автоном республика кутубхонасига жойлашган. Бу ерда сайловчилар ўзларининг энг муносиб ўғил-қизлари учун овоз берди. Биринчи бўлиб Гавҳар Анарбекова овоз берар экан:

— Мен пенсионерман. Катта ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимиздан миннатдорман. Тинчлик учун овоз бераман!,—деди.

Шунингдек, маҳаллий Советларга ўтказилган сайловлар Тахтакўпир, Чимбой, Кегайли, Мўйноқ районларида ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтди. Сайлов участкаларида соат 1-2 лардаёқ овоз бериш тугалланди. Бутун сайлов участкаларида байрам тароналари янграб турди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

Минг-минглаб сайловчилар халқимизнинг асл фарзандлари учун якдиллик билан овоз бердилар. Суратларда: [чапдан ўнгга] 1. Октябрь районидаги 1-сайлов участкасида овоз берюш пайти. 2. Сирдарё области, Гулистон шаҳридаги 57-сайлов участкасида область касалхонасининг ҳамшираси, илк бор сайловларда қатнашаётган Зулайҳо Бердалиева сайлов қутиси ёнида. 3. Чилонзор районидаги 41-сайлов участкасида «Росташстрой» қурувчилари овоз беришмоқда. 4. Киров районидаги 6-сайлов участкаси агитатори Дилором Азимова кекса сайловчилар ҳузурига йўл олган.

И. Глауберзон ва Абдухолиқ Тўраев фотолари.

ДЎСТЛИК УЧУН

Самарқандниг янги ташкил этилган Ондарё райони марказн — Лойишдамна. Бугун посёлка меҳнаткашлари жарпай-сурнайларнинг ёқимли овози билан барвақт уйғондилар. Биринчи Октябрь сайлов участкаси жойлашган район матлубот союзининг клуби байрамлардагидек безатилган. Бу ерга тўпланган кишилар ўзаро ширин суҳбат қуриб соатнинг олти бўлишини кутмоқдалар. Улар сайлов комиссияси раиси Турғун Усмоновнинг таклифи билан овоз беришга отланадилар.

— Бизнинг овозимиз дўстлик овози, — дейди Ҳолида Акчюрина йиғилганларга мурожаат қилиб. — 20 миллатдан ортиқ халқ вакиллари яшаётган районимиз совет халқлари дўстлигининг яратувчилик қудратини кўрсатувчи муваффақиятларга эга. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати туфайли халқлар дўстлиги чинакам ҳақиқатга айланди. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, арман ва бошқа миллатлар вакиллари аҳил яшаб елкама-елка ишлаб коммунизм биносига ғишт қўяётган экан бу билан биз фахрланамиз.

Маҳаллий Советлар депутатлигига номзоди кўрсатилган кишилар ҳам турли миллат фарзандларидир. Улар ҳам халқ фаровонлиги йўлида бардам ишлайдилар. Бу ерда 2100 дан ортиқ сайловчи соат 10 даёқ ўз бурчларини адо этдилар.

Л. ЭРГАШЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САФЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМ

Фарғона областининг меҳнаткашлари Хитойнинг қуролланган солдатларидан бир группаси шу йил 14 мартда Совет территориясида — Уссури дарёсидаги Даманский оролига бостириб киришга ва уриш-ларини эшитиб жуда ғазабландилар. Шу муносабат билан областнинг корхона ва муассасаларида кўп кишилик норозилик митингларн бошланиб кетди. Қўқон суперфосфат заводи коллективи митингида сўзга чиққан старший эйпаратчи А. Турсунхўжаев бундай деди.

— Кун сайин кутираётган Хитой нигвогарлари халқнинг осойишталигига раҳна солмоқчи. Улар чегарамизнинг даҳлсизлигини мардонавор сақлаб турган фарзандларимизга ўқ узишди. Бегунох ва жанговар йигитларимизга отилган ўқ биз тинчлик ва осойишталикни жондан севучи совет кишиларига қарши отилган ўқдир. Биз совет кишилари Хитой маъмуларининг кабих қуролли нигвогарлигини қатъий қоралаймиз. Ватанимизнинг даҳлсизлигини сақлаб қолиш учун уларга қарши қақшатқич зарба беришимни истаймиз.

Ўз истагимизнинг қатъий эканлигини фидокороча меҳнатимиз, янги зафарларимиз билан намойиш қиламиз.

Сўзга чиқиб аппаратчи А. Эргашев, электрик П. Тихонов ўртоқлар ҳам А. Турсунхўжаевни қўллаб-қувватлаб Совет ҳукуматининг Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига юборган баёнотини якдиллик билан маъқулладилар.

Бундай норозилик митинглари Фарғона область Ленинград районидаги «Коммунизм» колхозида, Марғилон «Атлас» фирмасида, Қўқон локомотив депосида, Фарғона ёғ, мой комбинатида, пиллакашлик фабрикасида ҳам бўлиб ўтди.

М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДЎРМОНДА ШОДИЁНА

Чирчиққа кетадиган каттакон серқатнов йўлнинг бўйидаги Дўрмон, Қибрай, Байтқўрғон қишлоқлари шу сайлов кунида жуда ғўзал бўлиб кетди. Баҳор нафаси гуркираб турган далалардан «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ҳашаматли маданият саройига жойлашган сайлов участкасига юзлаб колхозчилар соат 6 бўлмасданоқ йиғилган эдилар. Радионинг эрта тонгдаги ажойиб куйлари билан кишилар завққа тўлар эдилар. Бу ердан меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига меҳнатда тобланган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, шу колхоз раиси Анвар Эгамназаров колхозчи Меҳри Шералиева ва Байтқўрғон сайлов округидан Оржоникидзе район Совети депутатлигига прокуратура ходими Абдужалил Абдуллаев ўртоқлар ва ўнлаб номзодлар овозга қўйилдилар.

Еш-кари, чиройли кийинган аёллар сайлов хоналарига йўл олар эдилар. Биз бу ерда энг биринчилар қатори овоз беришга кириб кетаётган Қодир ота билан учрашдик.

— Мен шу қишлоқлик бўламан. Илгари Дўрмонга оёқ босиш қийин эди. Бунакангги асфальт йўллар қаёқда дейсиз. Фақат совет замонидагина шундай бахтли ҳаётда яшаймиз-у, Ленин чироғидан нур оламиз.

Дўрмон тонги порлоқ отди. Ленин чироқлари шуъласида эрта соат 8 бўлмасданоқ мингга яқин сайловчилар маданият саройидаги сайлов участкасида овоз бериб чиқдилар. Кундуз соат 12 гача 1900 сайловчи овоз бериб бўлди.

Сайловчиларга саводо ходимлари яхши хизмат кўрсатдилар. Айниқса бадиий ҳаваскорларнинг кўшиқлари майдонда жаранглаб турди. Бу ерда баҳт кўшиқлари янгради. Улар ўз номзодларини яхши билганларидан гавжум суҳбатларда уларни депутатликка сайлаб чиққанларидан хурсанд эди. Чунки киши бугунинг қанча яхши кўрсатгичини шунча ўйлайди. Илгари кўп қалам сохиблари томонидан қайта-қайта ёзилган Дўрмон кишлоғи янги депутатларнинг хизмати билан яна обод бўлади.

Ю. ҲАМДАМ.

ТОНГ ЗАВҚИ

Жўржоний маҳалласидаги 57-сайлов участкасида жуда катта тўй-тантана. Сайловчилар ўзлари ишонч билдирган номзодлар учун овоз беришга киришди. Сайлов қутиси ёнида маҳалланинг кекса отахони, пенсионер Аъзам ота Шарофхўжаев:

— Мен, — дейди ота, — аввало, халкимиз учун энг табаррук — тинчлик учун, осойишталик учун овоз бераман. Тинчлик бўлмаркан, фаровонлик ҳам, ўсиш-ўлгайиш ҳам ҳур замонамизда амалга ошаверади.

Отанинг сўзи биринчилар қаторида овоз бериш учун шошилиб келган ҳамма сайловчилар фикрининг ифодаси эди.

Бирлик массиви пойтахтимиз харитасида бундан 34 йил илгари йўқ эди. Ҳозир бу даҳлда ҳар бирида 600-700 хонадони бўлган тўртта маҳалла вужудга келди. Биргина Жўржоний маҳалласида қашаматли чойхона, медпункт, аптека, магазинлар ишга тушди. Янги маҳалла учун ҳали жуда кўп нарсалар: болалар боғчаси ва яслиси, ҳаммом, телефон алоқаси жуда зарур. Маҳалла меҳнаткашлари сайлов олди учрашувларида ўз номзодларига ана шундай наказларни берган эдилар. Сайловчилар бу наказларнинг амалга ошишига қатъий ишонадилар. Шунинг учун ҳам тонг ёришиши билан халқимизнинг ажойиб фарзандлари — шаҳар молия бўлимининг бошлиғи Р. Турсунов, шаҳар маиший хизмат комбинати бош инженери В. В. Полянин, Октябрь район санэпидстанциясининг бошлиғи Ф. Файзуллаевни давлат ҳокимияти вакилларига сайламоқдалар.

Уюшқоклик билан ўтказилган сайлов олди тадбирлари, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Д. Аиромов, — яхши натижа берди. Агитпункт мудири М. Исмоилов, агитаторлардан А. Абдуллаев, Н. Алимов, М. Сиддиқова ва бошқаларнинг жонбозликлари туфайли сайлов кампанияси ана шундай кўтаринки вазиятда ўтди.

* * *

Яқинлагина катта спорт майдончасига тўпланган Тошкент гидромелиорация техникуми коллективининг чеҳрасидан ғазаб ва нафрат туйғулари аниқ турарди. Чунки улар маоччилар группасининг кўрсатмасига биноан хитой ҳарбийларининг жасур совет чегарачиларига нисбатан қилган бандитларча ҳужумига қарши норозилик билдириш учун тўпланиб, митинг резолюциясини қабул қилган эдилар.

Ўтган якшанба куни уларнинг чеҳрасидан табассум аримади. Бутун коллектив сайловчилар хизматида бўлди. Техникумнинг тезлик ҳамда ўқув корпуслари сайлов кампанияси муваффақиятли ўтказиш учун мослаштирилган; сайловчилар овоз берадиган хона ёнлиқ алвонлар билан қоплангани, кўшин мактаб пионерлари саф тортиб турибди, агитаторлар хонаси ўқитувчилар билан гавжум. Навбатчи хоналарда бадиий ҳаваскорларнинг концерти, телевизор, буфет, ошхона. Ҳамма-ҳамма сайловчилар хизматида. Физика ўқитувчиси Маҳкам Нуъмонов шу кечаси мижоз кокқани йўқ. Радиоузелдан берилаётган аиларабо қўшиқларни атрофга ёйётган радиокарнайларнинг овозини эшитган ҳар бир киши унга «раҳмат» айтди.

Участка сайлов комиссиясининг раиси Ф. Ю. Мулюков, агитпункт мудири С. П. Богдасаров ва ўқитувчи-агитаторлар уюшқоклик билан иш олиб борган бу участкада 3 мингдан ортиқ сайловчи соат 12 бўлмасданоқ деярли овоз бериб бўлди.

Я. ТУХТАЕВ,
А. МАЪЗУМОВ.

ҚАРДОШЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг сув тошқинидан зарар кўрган Чоржўй аҳолисига ёрдам бериш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Тошкент бинокорлари, архитекторлари, планчиларининг бир группаси Туркманистоннинг ана шу шаҳрига бориб келди «Главташкентстрой» бошлиғи В. С. Скребнев Ўзбекистон телеграф агентлиги мухбири билан сухбатда қуйидагиларни айтди:

— Бизнинг коллективимиз Чоржўйда уйлар барпо этиш топшириғини олганлиги билан фахрланади. Ўзбек халқи бу уйларни қардош туркман халқига тухфа қилади. Ҳозирги вақтда қурилиш ишларини жадаллаштириш учун тегишли чоралар кўрилмоқда. Биз чоржўйлик ўртоқларимиз билан ҳамкорликда тошкентликлар қуриб берадиган уйлар участкасини ажратдик. Бу уйлар шаҳарнинг марказида, театр майдони ва парк яқинидаги янги Озодлик кўчаси атрофида қад кўтаради. Биз қуриб берадиган уйлар бу ерда лойиҳалаштирилган микрорайон планига мос бўлиб тушади.

Уч уй ёнма-ён қурилади. Ўртадаги уй 72 квартирали бўлади. Бу уйнинг ён томонида 48 квартирали иккита уй қурилади. Ҳаммаси бўлиб 168 квартира барпо этилади. Бу уйлар Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатида ишлаб чиқариладиган йиғма панеллардан қурилади. Панелларгина эмас, балки темир-бетон конструкциялар ва инерт материалларидан тортиб дераза ва арматурагача ҳамма детал ва материаллар Чоржўйга етказиб берилади.

ТОШКЕНТ ЧОРЖЎЙГА ЖАДАЛ ЁРДАМ БЕРМОҚДА

◆

Туҳфа қилинадиган уйларнинг деворига керамик плиталар ва бошқа материаллар билан пардоз берилади, ўзбек миллий орнаменти билан безатилади. Бинонинг ҳовлисида атрофига гул ва кўчатлар ўтқазиладиган ҳовуз, спорт майдончаси вужудга келтирилади. Тошкент архитекторлари жадал ишлаб берган лойиҳани Туркманистон ССР Госстройи тасдиқлади. Коммуникацияларга мослаб қилинадиган ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ маҳаллий ташкилотлар билан келишиб олинди.

Иш графиги тузиб чиқилди. Апрель ойининг биринчи ўн кунлигида Чоржўйга автокранлар, бульдозер, автомашиналар юборилади, апрель ойининг ўрталарида эса йиғма деталлар юборила бошлайди. Бу материалларни қабул қилиб олиш учун Чоржўй станциясида алоҳида жой ажратиб берилди.

Чоржўйда барпо этиладиган қурилиш участкасида турли вақтларда Тошкент ишчилари ва инженерларидан ўттиздан тортиб бир юз элликкача киши ишлайди. Чоржўйликларга қулай ва шинам квартираларни 7 ноябргача тахт қилиб қўйиш — Тошкент ишчилари ва инженерларининг асосий вазифасидир.

Бу уйлар дўстлик эҳду-паймонига мувофиқ ўз вақтида ва пухта қурилиб берилажагига аминмиз.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

КОЛЛЕКТИВ— ТАРБИЯЧИ

«Коллектив билан ҳамнафас бўлинг, у сизни тарбиялагандигини ёдда сақланг. Коллективдан ажралган кунингиздан бошлаб тамом бўлдим деверинг», — деб ёзган эди Николай Островский.

Ҳаёт кураш демакдир. Кураш эса инсондан сабр-бардош, қийинчиликларни сабот билан енгиш, жамиятда ўз ўрнини топа билиш, халқ ва жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш демакдир.

«Сирдарё ҳақиқати» область газетаси Гулистон автомобиль устахонаси коллективининг ёшлар ўртасида олиб бораётган тарбиявий иш тажрибасига бағишлаб «Ёшлар тарбияси—ҳаммамизнинг иши» умумий сарлавҳа остида бир саҳифа материал берди. Корхона директори Э. И. Ганнинг «Коллектив — ҳаёт мактаби», механика цехининг бригада бошлиғи Н. Васильевнинг «Бир оила аъзосидек» ва Р. Маматқуловнинг «Икки лавҳаси»да корхонада ёшлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар ҳақида батафсил ҳикоя қилинган.



Наманган областидаги Ленин номли совхозда баҳорга тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди. Шу кунларда далалар яхшилаб текисланмоқда, маҳаллий ўғит жамғарилмоқда. Суратда ер текислаш пайти тасвирланган.

Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОРДЕНЛИ КИБЕРНЕТИКА ИНСТИТУТИДАН РЕПОРТАЖ

МУКОФОТ ВА БУРЧ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Кибернетика институти республикамиздаги энг ёш илмий-тадқиқот муассасаларидан биридир. Унинг ташкил бўлганига ун йилдан сал ортди. Лекин шу қисқа вақт ичида бу илмий муассаса республикамиздаги энг катта фан лабораториялардан бири бўлиб қолди. Кибернетика институти халқ хўжалиги учун жуда муҳим бўлган масалаларни аниқ ва тезкорлик билан ҳал қилиб бермоқда. Саноатимиз, қишлоқ хўжалигимиз ва умуман ҳаётимизнинг ҳамма соҳалари учун зарур илмий хулосалар ишлаб чиқмоқда.

Республикамизда кибернетика фанининг пайдо бўлиши ва юксалишида партия ва ҳукуматимизнинг яқиндан кўрсатган гамхўрлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Халқ хўжалигида ҳисоблаш техникаси ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини қўллаш борасида қилинган гамхўрлик республикамизда Кибернетика институтининг ташкил этилиши ва тез орада муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган муаммоларни ҳал қида олиш даражасига етган илмий муассасага айланишига сабаб бўлди.

Ҳозир институтда 700 га яқин ходим хизмат қилмоқда. Улардан 250 га яқин киши илмий ходимлар бўлиб, улар орасидан 60 дан ортиқ киши фан кандидати ва фан докторларидир. Илмий кадрлар тайёрлаш ишига институт ташкил этилган дастлабки кунларданоқ алоҳида эътибор билан қаралди. Ҳозирги кунда институтда 120 киши аспирантурада ўқимоқда. Фақат 1968 йилнинг ўзида 22 та кандидатлик диссертацияси ёқланди. Бу илм даргоҳидаги 30 процент ходимлар илмий даражага эга кишилардир. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш иши айниқса, кейинги йилларда кучайиб кетди. Бунда институтнинг маълум мактабларни ўз оталигига олиб, иқтидорли болаларни ёшликдан шу соҳага танлаб олиш ташаббуси жуда қўл келмоқда. Ҳозир институт оталигида маълум ўрта мактабларгина бўлиб қолмай, балки кўпгина олий ўқув юртларидаги факультетлар, кафедралар ҳам Кибернетика институти ходимлари билан узвий боғланган ҳолда илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Қисқа вақт ичида халқ хўжалигимиз учун жуда самарали ишлар қилгани, ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига дадил кириб бораётгани учун ҳам бу институт юксак мукофот — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Биз шу муносабат билан институт директорининг ўринбосари, техника фанлари кандидати И. Убайдуллаев билан учрашиб, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини қисқача шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Кибернетика, — деди у, — ўзи ҳал этадиган проблемаларининг ғоятда кенглиги, масалаларни ечишнинг услублари ва олинган натижаларнинг аниқлиги ва самарадорлиги билан ҳаётимизга катта фойда келтирмоқда. Кибернетиканинг энг улкан техник воситаси электрон-ҳисоблаш машиналари бўлиб, бу фан олдига ҳаёт қўйётган муҳим вазифаларни ана шу машиналар билан ҳал этиш мумкин. Такомиллаштирилган янги кибернетика машиналарининг пайдо бўлиши натижасида ҳозирги кунда жуда мураккаб масалаларни ечиш ҳам мумкин бўлиб қолди.

Ўзбекистонда фаннинг бу соҳаси кейинги йилларда тез суръатлар билан ўса бошлади. Ҳозирги пайтда республикамизда замонавий ҳисоблаш техникаси воситалари билан қуроллланган ўндан ортиқ фундаментал ҳисоблаш марказлари иш олиб бораяпти. Институтнинг йирик олимлардан иборат катта коллективи олиб борган тинимсиз меҳнат ва изланишлар натижасида кибернетика фани қисқа вақт ичида Ўзбекистондаги мустақил илмий йўналишлардан бири бўлиб қолди. Институт ихтиёрида электрон-ҳисоблаш техникасининг Урал, Днепр, Минск-22 сингари энг қулай ва «моҳир» воситалари бор. Бу илм даргоҳи, шунингдек, бошқа электрон ускуналари комплекслари билан ҳам жиҳозланган. Институт бўлимларида экономика кибернетикаси, оптимал лойиҳалаш, ҳисоблаш математикаси ва техникаси, математик кибернетика, биокибернетика, техника кибернетикаси ва информация назарияси ва бошқа соҳалар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

О. УСМОНОВ.



Суратда: институтнинг машина зали. И. Глауберзон фотоси.

РКП(б) VIII съездининг 50 йиллиги муносабати билан

ПАРТИЯНИНГ иккинчи программаси

ҚПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорида Ленининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ташкилотчиси ва раҳбари эканлиги алоҳида қайд қилинган. Бу тарихий ҳужжатда қуйидаги сўзларни ўқиймиз: **«Ленин ҳокимиятни курашиб қўлга киритиш вақтидагина эмас, балки социализм ва коммунизм қурилишида ҳам коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини ҳар томонлама очиб берди. У партиянинг узоқ даврга мўлжалланган буюк мақсадлари ва тарихий вазифаларини белгилаб берди».**

Партиянинг буюк мақсадлари ва вазифалари унинг программаларида белгиланади. Шунинг учун ҳам Ленининг янги типдаги партия тўғрисидаги таълимотида партиянинг илмий жиҳатдан асосланган программасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар муҳим ўрин эгаллаади. **«Программа бўлмаса, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — воқеаларнинг барча ва ҳар қандай ўзгаришларига қараман доимо ўз йўлидан боришга қодир бўлган бир қадар яхлит сиёсий организм бўлган партиянинг бўлиши мумкин эмас»** (Асарлар, 17-том, 289-бет).

Партиямиз тарихидан маълумки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси пролетариат диктатурасини ўрнатиш, социализм ва коммунизм қуриш учун қаҳрамонона курашнинг ҳар бир тарихий босқичида ўз программасида илмий жиҳатдан белгиланган вазифаларни ҳал қилиб келмоқда. Фалсафий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий қарашларнинг яхлит ва мукаммал системаси бўлган марксизм-ленинизм КПССнинг барча учта программасининг илмий негизи ҳисобланади.

Партиянинг биринчи ва иккинчи программалари В. И. Ленининг бевосита иштироки ва раҳбарлиги да ишлаб чиқилган эди. Партия ва халқнинг 1903 йилда РСДРП II съездида қабул қилинган биринчи Программани бажариш учун кураши Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасига олиб келди. Партиянинг 1919 йилдаги VIII съездида қабул қилинган иккинчи Программасини бажариш учун кураш эса СССРда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабасини таъминлади. КПССнинг XXII съездида учинчи Программа — СССРда коммунистик жамият қуриш программаси қабул қилинди.

* * *

Бундан эллик йил муқаддам, 1919 йилнинг 18-23 мартида Москвада РКП(б)нинг VIII съезди бўлиб ўтди. В. И. Ленининг таъбири билан айтганда, съезд **«...рус ва жаҳон пролетар революциясининг жуда қийин, мураккаб ва узоқ ҳос бир пайтида»** (Асарлар, 29-том, 135-бет). Советлар мамлакатида синфий кураш кескинлашган шароитда партия муҳим программ ва ташкилий вазифаларни ҳал этиши лозим бўлган бир вақтда ва халқаро ишчилар ҳаракати юксалган бир вазиятда бошланган эди.

РКП(б) VIII съезди Коммунистик партиянинг В. И. Ленин бошлиқ комиссия томонидан тайёрланган Программасини муҳокама қилди ва қабул қилди. Партиянинг иккинчи Программаси мамлакатимизда социализм қуриш программаси эди.

Мамлакатимиз тарихида, партия ҳаётида ва халқаро майдонда юз берган туб ўзгаришлар Коммунистик партиянинг иккинчи Программасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этарди. Бу даврга келиб партиянинг биринчи Программаси илгари сурган асосий талаб — пролетариат диктатурасини ўрнатиш вазифаси муваффақиятли бажарилган эди. Эндиликда пролетариат диктатураси олдида янги вазифа — мамлакатимизда социализм қуриш вазифаси турган эди. Шунингдек, марксизм назариясини янги тарихий даврда янада ривожлантириш вазифаси ҳам партиянинг иккинчи Программасини ишлаб чиқиш зарурлигини илгари сурган эди. Шунинг учун ҳам бу Программага янги тарихий давр — империализм ва пролетар революциялари даврининг хусусиятлари тўғрисида, социализмнинг дастлаб битта, алоҳида олинган мамлакатда ғалаба қозониши имкониятлари тўғрисида ленинча таълимот асос қилиб олинган эди.

В. И. Ленин партиянинг иккинчи Программасини ишлаб чиқиш устида қариб икки йил — 1917 йилнинг апрелидан то 1919 йилнинг мартигача ишлади. Доҳий февраль буржуа-демократик революциясидан кейинок партия Программасини қайта кўриб чиқиш масаласини қўйган эди.

В. И. Ленин «Пироқдан хатлар»нинг бешинчи учун ҳомаки ёзувлар»ида биринчи Программани «ўзгартириш керак» деб қайд қилган эди. У эмиграциядан қайтгандан кейин партиянинг янги Программасини ишлаб чиқиш зарурлигини яна бир неча бор таъкидлади. Ленининг Апрель тезисларида партия съездини зудлик билан чақириш, партия программасини биринчи Программа қабул қилинган 1903 йилдан бери ўтган давр ичида революцион ҳаракат тажрибаси нималки янгилик берган бўлса, ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш мўлжалланган эди.

Большевикларнинг VII (Апрель) Бутунроссия конференцияси арафасида В. И. Ленин «Программанинг назарий, сиёсий ва бошқа айрим қисмларини ўзгартиш лойиҳаси»ни ёзади. VII (Апрель) конференцияси Ленининг доклади юзасидан «Партия программасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Конференциядан кейин эса Ленин «Партия Программасини қайта кўриб чиқиш юзасидан материаллар» деган брошюра ёзди ва эълон қилди.

Программани қайта кўриб чиқиш зарурлиги партиянинг VI съездида ҳам тасдиқланди. В. И. Ленин 1918 йилнинг і бошида «Программа лойиҳасининг ҳомаки ёзувлари»ни тайёрлади. У партиянинг 1918 йил март ойида шошилинч чақирилган VII съезди делегатларига материал тарқасида тарқатилди. Программа хусусида VII съезд қарорларида шундай дейилган эди: **«Съезд партиямиз программасининг назарий қисмини қайтадан ишлаб чиқиш ёки уни империализмнинг ва бошланган халқаро социалистик революция даврининг характеристикаси ила тўлдириш йўли билан ўзгартирилсин»** деб қарор қилади.

VII съезд В. И. Ленин бошчилигида комиссия сайлади. Бу комиссияга съезд кўрсатмалари асосида партия программасини тайёрлашни сира кечиктирмасдан ниҳоясига етказиш вазифаси юкланди. Тайёрланган лойиҳа маҳаллий партия ташкилотларида ва съезд олдидан ўтказилган партия конференцияларида барча коммунистлар томонидан кенг муҳокама қилиниши учун 1919 йил 25-27 февралда «Правда» газетасининг учта сонида босилиб чиқди.

* * *

Партиянинг ленинча иккинчи программасини муҳокама қилиш ва қабул қилиш РКП(б) VIII съезди кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айланди. Съезд партиянинг янги программасини муҳокама қилиш жараёнида империализмга, деҳқонлар масаласига, миллий масалага ва бошқа масалаларга нисбатан антимарксистик нуқтан назардан ёндошган Бухарин—Пятаковнинг меньшевистик-троцкийчи позициясига қақшатқич зарба берди.

Съездда Программанинг миллий масалага доир қисмини муҳокама қилиш пайтида ҳам Бухарин ва унинг маслакдошлари Ленин формулировкасига қарши чиқишга урандилар. Лекин бу гал ҳам уларнинг антимарксистик позиция-si фош қилиб ташланди. Съезд Программанинг назарий қисмини ҳам, миллий масалага доир қисмини ҳам Ленин таҳрири бўйича қабул қилди.

Иккинчи Программанинг умумий назарий қисми Октябрь революциясининг оламшумул-тарихий аҳамиятига характеристикада н, Коммунистик партиянинг социализм учун кураши тажрибасини умумлаштиришдан бошланган эди. Партиямизнинг иккинчи Программаси фақат рус ишчиларигина эмас, балки халқаро ишчилар ҳаракати тажрибасини умумлаштириб, барча илгор ва прогрессив инсониятга империализм вужудга келтирган боши берк кўчадан чиқиш йўлини кўрсатиб берди. Унда пролетар революцияларининг муқаррарлиги, капитал ҳукмронлигига қарши курашда жаҳон ишчилар синфи ва унинг партиялари ҳаракат бирлиги зарурлиги асослаб берилгандир.

Программада синфий жамиятда демократиянинг энг олий тури сифатида пролетар демократияси ва Совет давлатининг афзалликлари акс эттирилган бўлиб, буржуа демократиясининг бутун қалоқиллиги ва эзувчилик моҳияти фош қилиб ташланди. Программада капитализмдан социализмга ўтишнинг бутун даврида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Программада ва партиянинг VIII съезди қарорларида алоҳида таъкидланган ғоялар — социалистик қурилиш даврида ишчилар синфининг раҳбарлик роли тўғрисидаги ғоя ҳозирги кунда ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ғоя айниқса қардош социалистик ва халқ демократияси мамлакатлари халқлари учун жуда актуалдир.

Программада иқтисодий соҳадаги вазифаларга ҳам алоҳида ўрин берилган эди. Партиянинг иккинчи Программаси ишлаб чиқаришнинг қолоқ формаларидан янада юксак, йирик машиналашган саноатга ўтиш зарурлигини илгари сурарканг, мамлакат экономикасини юксалтириш ва социалистик қайта ўзгартиришда меҳнатнинг яратувчилик интизоми учун кураш, фанни ривожлантириш ва уни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш энг муҳим шартлардан биридир деб ҳисоблади.

Социалистик жамият қуриш моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам янги, социалистик муносабатлар ўрнатилишини тақозо қилади. Программада йирик социалистик деҳқончиликни вужудга келтиришга қаратилган тадбирларни турмушга татбиқ қилиш йўллари белгиланди.

Программада давлат ва маданий қурилиш масалаларига ҳам катта ўрин берилган эди.

Партиянинг VIII съездида Туркистон Коммунистик партиясидан ҳам делегатлар — П. Виноградов, И. Тоболин, Ф. Колесов, И. Лукьянов, Шокиров, Бобко ва Я. Шидло қатнашган эдилар. Туркистон коммунистларининг вакиллари икки марта В. И. Ленин қабулида бўлдилар. Ана шу қабул маросимларидан бири ҳақида П. Виноградов Туркистон Компартияси Ўлка Комитетига қуйидагича телеграмма юборган эди: «Ўртоқ Ленин қабулида бўлдик, халқаро сиёсат билан, иқтисодий ва сиёсий масалалар билан танишдик». Съезд қатнашчиларидан Шидло эса ўз хотираларида шундай деб ёзади: «Биринчи қабул пайтида В. И. Ленин Туркистоннинг барча областларидан борган делегатларнинг сўзларини диққат билан тинглади, съезднинг муҳокамасида биз иштирок этмаган масалалари тўғрисида ахборот берди. Ўртоқ Ленин ҳамма нарса билан. айниқса 1919 йил январда Советларга қарши исён қандай бостирилгани билан, меҳнаткашлар оммаси сиёсий онги ва революцион активлигининг ўсиши, миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, озиқ-овқат таъминотининг аҳволи билан қизиқди. Ўртоқ Ленин билан суҳбат икки соат давом этди».

Партиянинг ленинча Программаси ва VIII съезд қарорлари Туркистон Коммунистик партияси фаолияти учун жуда катта аҳамиятга эга эди. Айниқса съезднинг «Туркистон қишлоқларида РКП(б)нинг сиёсати тўғрисида»ги қарори Туркистонда ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

* * *

Партиямиз Программаси ижодий характердаги программа эди. В. И. Ленин партия Программасини ижодий тарзда ривожлантира бориб ўзининг кейинги асарларида социализм қурилиши планини ҳар томонлама ишлаб чиқди. Иккинчи Программа кейинчалик ленинча ГОЭЛРО плани билан тўлдирилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида СССРда социализм ғалабаси учун кураш йиллари ленинча Программани турмушга татбиқ этиш йиллари бўлди. Партиянинг XXII съездида қабул қилинган КПСС Программасида айтилганидек, **«Социализм Совет Иттифоқида тўла ва узил-кесил ғалаба қилди».**

Партиянинг иккинчи Программаси ҳам бажарилди. РКП(б)нинг VIII съезидан бери совет халқи жуда катта тарихий йўлни босиб ўтди. Эндиликда мамлакатимиз меҳнаткашлари КПССнинг учинчи Программаси — коммунистик жамият қуриш программасини амалга ошириш учун курашмоқдалар. **«Партия бундан буён ҳам сира оғишмай, қатъият билан Ленин йўлидан бораверади»** — КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорида ана шундай дейилади. Шундай бўлади ҳам. Совет кишиларининг йил сайин эришаётган оламшумул ютуқлари, Советлар мамлакатининг экономикаси ва маданияти мислсиз тараққий этаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Т. ҚУДАБЕКОВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

Янгиликлар, ХУШХАБАРЛАР

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛАРИГА

● Баландлиги икки қаватли уй баравар келадиган гул босиш машинаси Тошкент тўқимачилик комбинатининг оҳорлаш — гул босиш фабрикасига ўрнатилди. Машинани Чехиядаги «Ково» фирмасининг машинасозлари ўзбек дўстларига атаб юборишди.

Ҳамма ишлар автомат тарзда бажариладиган машинанинг тузилиши содда ва ишлатишга қулай. Янги техникани ўзлаштирган В. Курсатов бригадаси юксак кўрсаткичларга эришди. Бу бригада биринчи нав газлама чиқаришни 99,5 процентга етказди. Бу белгиланган нормадан уч процентдан зиёд ортиқдир.

Тез орада охорлаш-гул босиш фабрикасида ана шундай агрегатлардан яна иккитаси ишга тушириладди.

ХИМИКЛАР ВАХТАДА

● Чирчиқ электр кимё комбинатидан пландан ташқари ишлаб чиқарилган азотли ўғитлар ортилган эшелон Мирзачўлга юборилди. Бу беш йиллик бошланганидан бери пландан ташқари минерал ўғит ортилган юзинчи эшелондир.

Ленинча меҳнат вахтасининг қатнашчилари беш йилликни муваффақиятли бажариш учун мусобақалашиб, машина-ускуналарни модернизация қилмоқдалар, газ, сув ва ҳаво аммиак селитрасига айлантирилаётган ҳамма цехлардаги иш жараёнларини жадаллаштирмоқдалар.

СТУДЕНТЛАР УЧУН

● Бухоронинг жанубий қисмида 60 гектарли майдонда яна бир архитектура комплекси — студентлар шаҳарчаси қурилиши авж олдириб юборилди. Лойиҳачиларнинг режасига кўра, бу шаҳарча уч зона — ўқув, спорт ва ётоқхона зоналаридан иборат бўлади. Ҳозир педагогика институтининг беш қаватли бош корпуси қад кўтарди. Студентлар янги ўқув йилини шу ерда бошлайдилар.

ДАЛА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Узбекистон ССР областларида баҳорги экиш учун ер ҳайдашнинг борили тўғрисида 1969 йил 17 мартга бўлган

МАЪЛУМОТ

(минг гектар ҳисобида)

[Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — жами ҳайдалиши лозим бўлган ер; учинчи стун — ҳайдалган ер; тўртинчи стун — планнинг бажарилиш проценти

Бухоро	168,9	146,5	86,7
Тошкент	207,7	172,2	83,1
Сирдарё	322,3	260,1	80,7
Қашқадарё	148,8	104,0	70,0
Сурхондарё	153,0	103,3	67,5
Наманган	151,0	89,6	59,5
Самарқанд	234,0	117,2	50,0
Андижон	204,6	92,0	45,0
Фарғона	222,9	34,6	15,5
ҚҚАССР	164,6	25,7	15,5
Хоразм	131,0	—	—
Республика бўйича:	2109	1145,2	54,3

Узбекистон ССР областларида шўр ювишнинг борили тўғрисида 1969 йил 17 мартга бўлган

МАЪЛУМОТ

[минг гектар ҳисобида]

[Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — план бўйича шўри ювилиши зарур бўлган майдон; учинчи стун — шўри ювилган майдон; тўртинчи стун — бир кунда шўри ювилган майдон; бешинчи стун — планнинг бажарилиш проценти]

Сирдарё	150	59,3	—	39,5
Наманган	56	14,7	0,6	26,2
Қашқадарё	3	0,7	0,1	23,3
Бухоро	220	25,4	4,5	11,5
Хоразм	462	46,8	4,1	10,1
Фарғона	215	20,5	0,7	9,5
ҚҚАССР	400	30,2	—	7,6
Самарқанд	12	0,5	—	4,2
Андижон	53	1	—	1,8
Тошкент	7	—	—	—
Сурхондарё	23	—	—	—
Республика бўйича	1601	199,1	10	12,4

ИҒВОҒАРЛАРҒА ЗАРБА БЕРИЛДИ

Маочилар Уссури дарёсидаги Совет ороли Даманский районида яна қуролли ағвоғарлик қилганликлари тўғрисида Совет ҳукуматининг баёноти 15 мартда радио орқали эшиттирилди. «Правда», «Известия» газеталарининг ва ТАССнинг мухбирлари Ж. Чеснаков, А. Пушкарь, Н. Глушченко Қизил Байроқли Тинч океан чегара округи қўшинларининг бошлиғи генерал-майор В. Ф. Лобановдан чегарадаги шу воқеалар тафсилотини айтиб беришни илтимос қилишди. Унинг айтган гапларини қуйида келтирамиз.

— Кейинги ярим йил ичида Хитой маъмурлари Совет территориясининг ажралмас қисми бўлган Даманский оролини босиб олиш мақсадида бу оролга ҳарбий хизматчиларнинг қуролланган группаларини ҳар доим юбориб туришди.

Шу йил 2 мартда Хитой маъмурлари қилган кабиҳ ағвоғарлик эндиликда совет кишиларига, ҳаттоки бутун дунёга ҳам маълум. Маочилар Даманский оролини қурол кучи билан босиб олишга уриндилар. Чегарачиларимизнинг қатъий ҳаракатлари билан улар совет территориясидан улоқтириб ташланди. Бу тўғрида матбуотда хабар қилинган эди.

Кейинги воқеалар Пекиндаги ағвоғарларнинг ўзлари учун ҳеч қандай хулоса чиқариб олмаганликларини кўрсатди. Навбатдаги ағвоғарликдан олти кун олдин чегарачиларимиз хитойларнинг чегарага анчагина ҳарбий куч келтираётганликларини, бу билан Даманский ороли районида кескин ва мушкул вазият туғдираётганликларини пайқаб қолдилар.

12 мартда Хитой чегара постининг офицери Хутоу бизнинг чегарачиларимиз билан музокаралар олиб бориш учун келди. Хитой офицери Мао Цзэ-дуннинг кўрсатмасини айтиб, Даманский оролини қўриқлаб турган Совет чегарачиларига нисбатан қуролли куч қўлланилади, деб таҳдид қилди. 14 март куппа-кундуз куни қуролланган Хитой ағвоғарлари группа-группа бўлиб оролга бирин-кетин яқинлашавердилар ва бу билан ўзларининг босқинчилик мақсадларини намойиш қилавердилар. Улар оролни эгаллашга муваффақ бўла олмадилар. Офицерлар Д. В. Леонов ва Е. И. Яншин бошчилигидаги чегарачилар уларни ҳайдаб чиқардилар.

15 мартда маҳаллий вақт билан соат 9,45 минутда қуролли Хитой солдатларининг катта отряди тўп ва миномётлар ҳимоясида Даманский оролининг жанубий чеккасига бостириб кирди ва оролни қўриқлаб турган совет чегарачиларига ҳужум қилди. Душман сон жиҳатдан устун эканлигига ва тўплар, миномётлардан қаттиқ ўт очиб турганлигига қарамай чегарачилар ҳужумни даф қилдилар ва босқинчиларни оролдан ҳайдаб чиқардилар.

Ҳужумлар кетма-кет давом этаверди. Хитой солдатларининг бўлинмалари кўпаяверди. Улар ҳар сафар бостириб киришга уринганларида, замбарак ва миномётлардан ўт очилиб, хитойларга мадад бериб турди. Кучлар тенг эмас эди. Оролни қаттиқ мудофаа қилиб турган совет чегарачиларига қарши ағвоғарлар кучайтирилган ва мадад олиб турган пиёда қўшинлардан иборат бир полкни жангга солдилар. Улар оролимизни босиб олишга ва чегарачиларни қириб ташлашга интилдилар. Қўшни заставалардаги чегарачиларимиз ва резерв бўлинмалар Даманский оролига дарров етиб келишди. Улар Совет оролига бостириб кирган Хитой армияси бўлинмаларига бирталикда қатъий ҳужум қилиб, бу бўлинмаларни совет территориясидан ҳайдаб чиқаришди. Жангда ҳар бир жангчимиз мардлик, шижоат ва ўзининг Ватанга садоқатини намойиш қилди.

Коммунист офицерлар Д. В. Леонов ва Е. И. Яншин каби тажрибали командирларнинг иродаси, қаҳрамонлиги, жангда нималар қилишни билиб тез ва аниқ ҳаракат қила олганлиги билан фахрланамиз. Е. И. Яншин бошчилигидаги бир группа чегарачилар сон жиҳатидан ўзларига нисбатан бир неча баравар кўп бўлган хитойларнинг ҳужумига етти соатдан кўпроқ бардош бериб, уларни ўтказмай турдилар. Тўп ўқлари портлайвериб қор коп-қора бўлиб кетди. Хитойларнинг артиллерия ва миномёт дивизиялари орол устига тўхтовсиз ўт ёғдириб турди. Лекин юртимиз чегараларини ҳимоя қилиб турган чегарачиларимиздан биронтаси заррача чўчигани йўқ. 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери чегарада хизмат қилаётган командир жангда жойнинг пасти баландидан аъло фойдалана олиш ва бардамлик намунасини кўрсатиб турди. Унинг чегарада узоқ вақт ишлаб чиниққанлиги очиқ кўринди.

Москвадаги Биринчи Давлат подшипник заводининг собиқ токари, Олмаотадаги олий чегара командирлари билим юртини тамомлаб келиб Узоқ Шарқ чегарасида хизмат қилаётган старший лейтенант Л. К. Маньковский душманлар билан ботирларча жанг қилди. Старший лейтенант Л. К. Маньковский жанг майдонида мардона, ҳалок бўлди.

Сержант Анатолий Козин, оддий солдатлар Виктор Плотников, Валерий Гайлевич ва бошқалар Хитой ағвоғарлари билан қилинган жангларда ўз ботирликларини кўрсатдилар. Сержант Виктор Головиннов асло ўчмас шуҳрат қозонди. У оғир жароҳатланган бўлса ҳам жанг майдонидан кетмай сўнгги томчи қони қолгунча жанг қилиб турди. Бунақа қаҳрамонлардан жуда кўпларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Жангчиларимизнинг забардастлиги ва Ватанга содиқлиги Даманский оролида яна бир марта намойиш қилинди.

Чегарачилар жонажон Коммунистик партиямиз Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтириб шуни айтадиларки, улар бундан буён ҳам СССРнинг давлат чегарасини қаттиқ туриб муҳофаза ва мудофаа қилавердилар, Совет ерининг ҳар бир қаричини қатъият билан, виждонан ва муносиб равишда сақлаб қоладилар.

Бугун — Париж Коммунаси куни

ЖАСОРАТ

1871 йилдаги Париж Коммунаси — бутун халқаро пролетар ҳаракатининг озодлик кураши тарихида буюк воқеадир. Париж осмонида революциянинг қизил байроғи ҳилпираган ва Франция пойтахтида ҳокимият кўзголон кўтарган ҳамда ўз ҳукумати — Коммунани эълон қилган пролетариат қўлига ўтган кун — 1871 йил 18 мартдан бери салкам 100 йил вақт ўтди.

Париж халқи ошкора граждан уруши ва чет эл интервенцияси мавжуд бир шароитда, шаҳар атрофида Пруссия қўшинлари турган бир пайтда янги жамият ва янги давлат барпо этди. Карл Маркс буюк назариётчи ва курашчига хос ғ ениал башорат билан Коммунада тарихда дастлабки пролетариат диктатураси формасини кўрган эди. Коммуна эски буржуа давлат машинасини емириб ташлаб, чинакам демократик принципларга асосланган янги пролетар ҳокимиятининг органларини барпо этди.

Париж Коммунаси барча мамлакатлар меҳнаткашлари билан қардошлиққа ва барча халқлар ўртасида тинчликка интилган чинакам интернационал ҳаракат эди. Йиллар инсоният хотирасидан Коммуна ҳимоячиларининг қаҳрамонона жасоратларини сира ҳам ўчирмайди. Коммунарлар Франциянинг реакцион кучларига қарши қуролли курашда буюк ғояга содиқлик, қаҳрамонлик ва жасурлик намуналарини кўрсатдилар. Коммунанинг сабоқлари халқаро пролетариатнинг меросига айланди. Ярим аср ҳам ўтмаган эдики, коммуна иши бизнинг мамлакатимизда, Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли ғалаба қозонди. Париж Коммунасининг 100 йиллиги арафасида эса Европа, Осиё ва Латин Америкасидаги мамлакатларнинг миллионлаб меҳнаткашлари социализм қурмоқдалар. Париж коммунарларининг шонли анъаналари сира ҳам ўлмайди.

Суратда: Халқ Монмартредаги артиллерияни қўлга киритишга уринган Тьер солдатлари ва полициячиларини ҳайдамоқда.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшиқлар, 9.30 — Чолғу куйлари, 10.10 — Эстрада куйларидан концерт, 10.30 — Б. Гиленко. 3-симфония, 11.15 — «СССРда социализм қурилишнинг улуғ плани», 11.30 — Жаҳон халқларининг созлари. 12.45 — «Замондошларимиз» (русча), 13.30 — Жан Татлян ва Мария Пархоменко иҳросида қўшиқлар, 15.15 — «Гулшан» радиожурнали, 16.10 — «Ўзбекистон композиторларининг ижодий портретлари». Д. Соатқулов, 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 18.00 — «Пахтакорлар ҳал қилувчи йил марраларида» (русча), 18.10 — Рақс куйлари, 18.40 — Спорт, 19.20 — «Лайли ва Мажнун» операсидан парчалар, 20.00 — «Ёшлик» программаси, 20.30 — Ёшлар учун концерт, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Концерт (қишлоқ меҳнаткашлари учун), 22.20 — Куйлар, 22.40 — А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романидан боб, 23.15 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Болалар учун қўғирчоқ фильм,** 18.50 — **Телеянгиликлар,** 19.05 — **Экскаваторчилар ленинча меҳнат вахтасида.**

Ўзбек тилида: 19.25 — **Ун минут музика,** 19.35 — **Телеянгиликлар,** 19.55 — **«Фан» телепрограммаси,** 21.45 — **«Бодом ҳиди»** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — **Болалар учун қўғирчоқ фильм,** 20.35 — **«Моцарт ва Сальери»** (телефильм), 21.20 — Ўзбек тилида **«Кулаётган киши»** (телефильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 18/III да **Гўзал ҳаёт ошиқлари.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да **Угил уйлантириш.**

КИНО

Революция чавандозлари — САНЪАТ САРОЙИ, **«ЧАЙКА», «ДРУЖБА»,** НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), **«МОСКВА»** (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги (1-2 серия-лар) — **«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
21 МАРТДА
Улуғ доҳиймиз Ленинни шарафлаймиз!

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

Қатнашадилар:
Ўзбекистон ССР халқ шоири Собир АБДУЛЛА
Шоирлар: Асқад МУХТОР, ЧАРХИЙ, Эътибор ОХУНОВА, Эркин ВОҲИДОВ;
Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Берта ДАВИДОВА, Қуғдуз МИРКАРИМОВА;
Ўзбекистон ССРаа хизматкўрсатган артистлар: Таваккал ҚОДИРОВ (Фарғона), **Маҳбуба МАНСУРОВА** (Қўқон).
Солистлар: Маҳмуджон ИСОМУДДИНОВ (Наманган).
Ҳабиба ОХУНОВА (Наманган), **Муҳаббат ШАМАЕВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Карима УЗОҚОВА.**

ХОРАЗМ АНСАМБЛИ «ЛАЗГИ»

Концерт неч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида соат 12 дан сотилади.

АШХОБОД ШАҲРИДА
30 МАРТДА
1969 йилда чиқарилган
3% ЛИ
Давлат ички ютуқлар заёмининг
22-ТИРАЖИ УТКАЗИЛАДИ

Тиражда заёмнинг ҳар бир разрядига умумий суммаси 512560 сўмлик 9400 ютуқ бор. Шу жумладан: 5000, 1000, 500, 100, 40 сўмлик ютуқлар ўйналади

Заём облигацияларини сотиб олинг!

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ректорати ва жамоат ташкилотлари юридик факультетининг доценти Ф. Х. Сайфуллаевга рафиқаси

Олима АЗИЗОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ПАРИЖ, 16 март. (ТАСС). Ҳафталик «Франс нувель» газетаси Даманский ороли районидаги совет чегарасида Хитой маъмурлари қилаётган қуролли ағвоғарликларни ғазаб билан қораламоқда.

Пекин раҳбарлари, деб ёзади газета, «Совет Иттифоқи чегарасини даъво қилиб» чегарада ағвоғарлик билан жиддий можаро чиқармоқдалар.

Уссури даёсидаги чегара можаролари, деб ёзади «Франс нувель» газетаси, Ғарбий Берлиндаги аҳвол билан ва Хитой Компартиясининг съездига кўрилаётган тайёргарлиқ билан «бир вақтга тўғри келиб қолганлиги ғалати» эмасмикан. Антисоветизмни миясига сингдириб олган Пекин раҳбарлари ички аҳволнинг беқарорлигидан Хитой халқининг эътиборини чалғитишга аа қонимизнинг армия қўлига топширилгилигини оқлашга интилмоқдалар, деб ёзади, газета.

НЬЮ-ЙОРК, 16 март. (ТАСС). Совет ороли Даманский районида Хитой янги ағвоғарлик қилганлиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига совет ҳукуматининг баёнотига Америка матбуоти катта эътибор бермоқда.

«Нью-Йорк таймс» газетаси Совет ҳукумати баёнотининг тўла текстини босиб чиқариб, мазкур ҳужжатда, Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикаси билан тўқнашишга йўл қўймасликка интилмоқда, деган гапларни бўрттириб бермоқда.

«Нью-Йорк дейли ньюс» газетаси Совет ҳукумати баёнотининг мазмунини эълон қилиб, шу баёнотда, Хитой маъмурлари қуролли ағвоғарликларни давом эттираверсалар, бундай ҳолда «Совет Иттифоқи халқлари Совет территориясининг даҳлсизлигини бузишларга қақшатқич зарба беришга тайёр» деб айтилган гапларга газетхонларнинг эътиборини жалб қилмоқда.

УЛАН-БАТОР, 16 март. (ТАСС). Хитой ҳарбийларининг Совет Иттифоқига қарши қабиҳлик билан қилган янги қуролли ағвоғарлиги хусусида Совет ҳукуматининг баёнотини Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети билан Монголия Халқ Республикаси ҳукуматининг органи «Унэн» газетаси босиб чиқарди.

Улан-Батор радиоси Совет ҳукуматининг баёнотини эълон қилиб, маочилар совет чегарасини яна бузганлиги Хитойнинг ҳозирги ҳукумати антисоветизм батқоғига қанчалик чуқур ботиб қолганлигини кўрсатиб турибди, деб таъкидлади.

Монголия меҳнаткашлари, деди Улан-Батор радиоси, Совет Иттифоқига нисбатан қилинаётган ҳарбий агрессияга қарши жуда кескин норозилик билдирмоқдалар.

СОФИЯ, 16 март. (ТАСС). Бугун Болгариянинг марказий газеталари Совет ҳукуматининг баёнотини «Маочиларнинг янги қабиҳ ҳарбий ағвоғарлиги», «Совет Иттифоқи чегаралари муқаддас ва даҳлсиз», «Авантюристларга кескин зарба берилади» деган сарлавҳалар остида босиб чиқарди.

Хитой маъмурларининг 2 мартда Совет Иттифоқига қарши қилган жиноий қуролли ағвоғарлиги деб ёзади «Работническо дело» газетаси, Совет мамлакатидагина эмас, шу билан бирга, бутун дунёда ҳам ғазаб тўлкинларини қўзғатиб юборди. Соф виждонли кишиларнинг ҳаммаси ҳеч бир сабабсиз қилинган, Пекиндаги маочилар юқори табақасининг ифлос мақсадларига яна хизмат қилиб қолмасдан, шу билан бирга империализмнинг энг агрессив кучларига ҳам катта ёрдам кўрсатаётган мана шу ҳужум ташкилотчиларини кескин қораламоқдалар.

Газета бу ағвоғарликларнинг ташкилотчилари ўз эмиссарларига оғир масъулият олаётганликларини кўрсатиб, қуйидагилари ёзади.

Тарихнинг бераётган сабоғи шуки, Совет мамлакатига қасд қилганларнинг ҳаммаси жуда қаттиқ тор-мор келтирилган. Пекиндаги ағвоғарлар ҳам бу сабоқларни ўйлаб кўришлари керак эди, чунки улар ўзларининг авантюралари билан Хитой халқининг манфаатларига, социализм ва тинчлик ишига нисбатан жуда оғир хиёнат қилмоқдалар.

ХИТОЙНИНГ ИҒВОҒАРЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЖАҲОН МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

БОНН АТОМ ҚУРОЛИГА ЭГА БЎЛИШ ЙЎЛИНИ ҚИДИРМОҚДА

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Англия, Германия Федератив Республикаси ва Голландиянинг юксак даражадаги вакиллари сараланган уран ишлаб чиқариш соҳасида шу мамлакатларнинг ҳамкорлиги масалалари юзасидан олиб борган музокаралари якунда Лондонда тамом бўлди. Атом проблемалари билан шуғулланувчи «миллий саноат лабораториялари»дан энг кўп фойдаланиш» тўғрисида ва Голландия ҳамда Англияда газ центрафуглари ёрдамида сараланган уран ишлаб чиқарувчи заводлар қуриш тўғрисида бир битимга келинди. Маълумки, сараланган уран атом бомбалари тайёрлаш учун хом ашё ўрнида ишлатилади. Шу билан бирга янги корхоналарга маъмурий раҳбарлик қилиш маркази Ғарбий Германияда жойлашади. Июнь ойида янги атом консорциуми қатнашчиларининг навбатдаги кенгаши ўтказилади.

«Нойес Дойчланд» газетасининг Лондондаги учрашувларни якунлаштириб, «Бонн ядро қуролига эга бўлиш йўлида бу билан олга қараб яна бир қадам қўйди» деб ҳақли суратда ҳисоблайди. Бонн милитаристларининг ядро қуролига эга бўлиш йўлида қўйган ана шу «янги қадами» Британия бош министри Вильсоннинг якунда Германия Федератив Республикаси пойтахтига борган вақтда ишлатилган сиёсий найрангбозликнинг маълум даражада натижаси бўлди. Англия ҳукумати ўша вақтда атом бомбасини ишлаб чиқариш соҳасида Бонн билан ҳамкорлиқ қилишнинг янги босқичини бошлаб юборишга тайёр эканлигини билдирди ва бунинг эвазига «Европа иқтисодий бирлашмаси»га ўзини қабул қилиш тўғрисидаги талабларини Боннинг қўллаб-қувватлашини шарт қилиб қўйди.

Ана шундай найрангбозлик натижасида Англия ўзининг орзиқиб юрган мақсадларини амалга оширишга бирон даражада яқинлашиб қолди, деб айтиб бўлмайди.

Шу нарса эътиборга сазоворки, Бонн атом бомбаларини ишлаб чиқаришда яқиндан туриб қатнашмоқ учун ҳар қандай йўллардан фойдаланиш билан бирга ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имзолашни номаълум вақтгача кечиктириш мақсадида янгидан-янги «писанда» ва «шартлар»ни илгари сурмоқда.

Буларнинг ҳаммаси тинчликни қадрлаётган, Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш тарафдори бўлиб чиқаётган кишиларни ҳақли суратда ташвишга солмоқда ва эҳтиёткор бўлишга ундамоқда. Тинчликсевар кучлар Ғарбий Германия реваншчилари ва милитаристларининг ялпи қирғин қуролини ўз қўлларига олишларига йўл қўймайдилар.

(ТАСС).

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг барча районларида ҳавонинг ўзгариб туриши, Фарғона водийсида вақти-вақти билан ёмғир ёғиши, қолган жойларда ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутилади. Секундига 3-7 метр тезликда кучсиз шамол эсади. Қорақалпоғистон АССР ва Бухоро областининг шимолида ҳарорат 3 даража совуқ билан 2 даража иссиқ атрофида, бошқа ерларда 6-11, жанубда 12-17 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Кечаси туман тушиб ёмғир ёғиши, кундузи эса ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутилади. Кечаси 1-3, кундузи 7-9 даража иссиқ бўлади.

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ



КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Мана 20 йилдирки, ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорлик шартномасига биноан Совет Иттифоқи билан КХДР ўртасидаги дўстлик алоқалари ўзининг яхши самараларини бермоқда. Бу йил СССР билан КХДР ўртасидаги товаробороти янада ошади. Совет Иттифоқи Халқ Кореясига етказиб бераётган турли-туман машиналар хилини, энергетика ускуналари, подшипниклар, нефть маҳсулотлари ва бошқа моллар ҳажмини тағин ҳам кўпайтиради. Корея Халқ Демократик Республикаси эса СССРга кўп миқдорда электрдвигателлар, трансформаторлар ва станок ускуналари етказиб беради. Суратда: Пхеньян яқинидаги станоксозлик заводи цехларидан бири.

ЦТАК—ТАСС фотоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216. Халқаро ҳаёт — 837604. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалиги — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 838679, 833553. Илоҳотчиҳ — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон — 48-85. Бухоро 31-41. Қарши 22-82. Наманган 21-88. Нукус 42-62. Самарқанд 31-972. Термиз 23-27. Фарғона 41-88. Урганч 34-55.

№ Б. — 65. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02789.